



Tadqiqot UZ

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



CONFERENCES.UZ

28 FEVRAL
№25

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 25-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
14-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
25-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ- 14**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
25-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART- 14**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 25-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 28 февраль 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 17 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманганд мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибод Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА ДИЗАЙН

1. Sayfullayeva Barno

MUSIQA VA INSON OLAMI..... 7

2. Nabijonova Nazokatxon A'zamxon qizi

TASVIRIY SAN'ATDA MONUMENTAL BEZAK TURLARI 9

3. Раимова Мохина

ТҮЛИҚ МЕТРАЖЛИ МУЛЬТИПЛИКАЦИОН ФИЛЬМ ЯРАТИШ
ТАЖРИБАЛАРИ 11

4. Юсупова Шохиста Алимжановна, Ёдгорова Анора Абдували қизи

ҮҚУВЧИЛАРГА ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТҮГАРАК МАШГУЛОТЛАРИДА
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ИЖОД ҚИЛГАН РАССОМЛАР БИЛАН
ТАНИШТИРИШ 13

5. Юсупова Шарофат Юнусовна

ЎЗБЕКИСТОН ҲАЛҚ РАССОМИ АБДУЛХАҚ АБДУЛЛАЕВ ИЖОДИДА
ПОРТРЕТ ЖАНРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ 15



ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА ДИЗАЙН

MUSIQA VA INSON OLAMI

Sayfullayeva Barno

Kamoliddin Behzod nomidagi Milliy
rassomlik va dizayn instituti
magistratura bosqichi
“Zamonaviy va milliy rangtasvir”
mutaxassisligi talabasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada musiqa san'atining jozibadorligi va uning tasviriy san'at bilan
uzviy bog'liqligi va hamohangligi haqida bayon etilgan.

Annotation: This article discusses the appeal of the art of music and its inextricable link with
the visual arts.

Kalit so'zlar: musiqa san'ati, kushon va so'g'd cholg'ulari, kompozitsiya, zarbli va puflama
cholg'u, Ro'zi Choriyev "Botir Zokirov" portreti.

Keywords: music, Kushan and Sogdian instruments, composition, percussion and wind
instruments, portrait of Rozi Choriyev "Botir Zokirov".

*"Musiqa orqali biz o'z vaqtida xohlagan joyimizni
kezishimiz va har asarda do'stlar topishimiz mumkin."*

Xelen Tompson

Musiqa san'atning noyob turlaridan biri sifatida juda qadimiyligi tarixga ega. Bu san'at turi barcha davr daholari e'tiborini o'ziga jalg qilib keldi. Tarixiy va ilmiy manbalarni o'rganish, tahlil qilish shuni ko'rsatadiki, nomlari zikr etilgan buyuk siymolar o'zlarining ilmiy va pedagogik qarashlarida shaxs kamolotida musiqa san'atining keng imkoniyatlari ega ekanligi e'tirof etganlar, ko'pchiligi esa bevosita musiqaga oid maxsus ilmiy tadqiqotlar olib borishgan, musiqa bilan shug'ullanib, uning nazariy amaliy va tarbiyaviy asoslari to'g'risida ko'plab risolalar yozganlar. Chunonchi, buyuk qomusiy olim Abu Nasr Farobiyning ilmiy merosi ro'yhatida uning musiqa sohasiga oid bir qancha asarlarini ko'ramiz. "Musiqa haqida katta kitob", "Ohanglar tasnifi haqida olam", "Musiqa haqida so'z", "Ohangga qo'shimcha qilingan so'z" kabi asarlar shular jumlasidandir. Qadim zamonlardan beri turli madaniyatlar O'zbekiston hududida rivojlanib, gullab yashnagan va parchalanib O'zbekiston madaniyati tarixida chuqur iz qoldirgan. Musiqa san'atiga kelsak u qadimgi davrlarga borib taqaladi. Hatto Kushon davri san'atkorlari tasvirlangan qadimgi musiqa an'analari va biz uchun go'zal yodgorliklar haqida hikoya qilinadi. Ulardan biri frizda qo'lida torli arfa shaklidagi asbob bilan ikkinchisi nayga o'xshash shamol asbobi bilan, uchinchisi esa cho'zinchoq shaklidagi ikki qirrali tanbur bilan. Bundan xulosa qilish mumkinki, kushonlar va so'g'dlar cholg'ularning asosiy turlarini bilishgan va ularni yakka va ansamblida ishlatishtigan.

Darhaqiqat, insonni estetik tarbiyalashda, uning estetik didini o'stirishda musiqa tengsiz ahamiyat kasb etadi. Musiqa san'ati sharqning buyuk allomalari Beruniy, Farobi, Ibn Sinolarni qiziqtirib kelgan. Bu haqida ular maxsus asarlar ham bitgan. Masalan, Ibn Sinoning "Al muddohil ila san'atal musiqiy" asari fikrimiz dalilidir. Mazkur asarda shunday yozadi: "Musiqa hayotbaxsh, oliyjanob, axloqiy xususiyatlarni rivojlantiradi, u insonga xizmat qiladi. Uning axloqiy va ruhiy qiyofasini shakllantiradi."¹¹

Mil. avv. VI asrdan beri musiqa faylasuflar uchun qiziqish obyektiga aylandi. PLaton va Aristotel axloqiy tarbiyada musiqaning o'rni haqidagi ta'limotni ishlab chiqdilar.

San'atning turlari barcha san'at turlari bilan uzviy bog'liq va hamohangdir. Shu qatorda musiqa

¹ Ibn Sino. Al mudohil ila san'atal musiqiy. A. Qodiriy nomidagi xalq nashriyoti. Toshkent. 1992.



san'ati va tasviriy san'at ham uzviy bog'liqlikda bir-birini to'ldirib turadi, bir-biridan ilhom oladi. Qadimdan ma'lumki, musiqachilar va rassomlar do'st bo'lishgan. Ular ijodiy hamkorlik qilishgan. Buni misol tariqasida qadimdan rassomlarning o'z asarlarida ko'p musiqa, musiqachilar mavzusini ishlaganlardan ko'rshimiz mumkin. Ular musiqa mavzuda turli janrlarda turli xil kompozitsiyalar ishlashgan. Musiqachining o'z dunyosi, o'z olami bor. Buni biz uning o'z harakatlarda, gaplaridan, uning yashash olamidan ko'rshimiz mumkin. Bu narsalarni ko'rsatish uchun esa rassomdan musiqachilar bilan ko'proq suhbatda bo'lismish kerakligini, ular bilan hamnafas bo'lismish kerakligini ko'rsatadi. Shundagina kompozitsiya ishonarli, jonli chiqadi. Yuqorida aytganimizdak, musiqa haqida ko'p rassomlarning asarları bor; ular musiqachilarining portretlarini, sahnada ijod jarayonlarini tayyorgarlik paytdagi holatlari yoki bo'lmasam o'zlarining musiqa haqidagi falsafiy asarlarini yaratishgan. Bularidan misol qilib biz Louris Leray, Efim Kovalenko, Aleksander Volkov, Edgar Dega, Konstantin Razumov, Keith Mallet, Vyacheslav Koretskiy kabi rassomlarni aytishimiz mumkin. Impressionist rassomlardan biri Fransiyalik Edgar Dega ham musiqa mavzusida, san'atkorlar hayotini ko'p ishlagan.

O'zbekiston tarixida ham san'atning rivojlanishi ancha asrlarga borib taqaladi. O'zbek xalqi musiqaning shaydosi. Bizda qadimdan musiqachilarga o'zgacha ehtirom ko'rsatilgan. Ularni hurmat qilingan. O'zbek rassomlari ham musiqa mavzusida ko'plab kompozitsiyalar yaratganlar. O'rta asrlarda ayniqsa, miniaturist rassomlarning ijodida musiqa mavzusi alohida ahamiyatga ega edi. Cholg'u asboblarini chalayotgan guruh musiqachilarni ular kompozitsion qiziq holatda tasvirlaganlar. Hozirgi kunda biz Xurshid Ziyoxonov, Akmal Nur, Radik Azizov va boshqa rassomlarning ijodida ko'rshimiz mumkin. Masalan, Ro'zi Choriyevning "Botir Zokirov Portreti" asarida ijodkorni nozik tabiatini, uni musiqachilagini bir qarashda anglash mumkin. Sababi rassom Botir Zokirovni qo'llarini uzun va nozik qilib chizadiki, rassom uni shu nozik qo'llarda go'zal kuylar yaratganini, o'ta nozik did sohibi ekanligini, o'zining dunyosi borligini, hayollarida faqat musiqa, kuy ekanligini ko'rsatish uchun uni qizil kostyum shimda o'y surib o'tirgan holatda tasvirlaydi. Botir Zokirov uzoqlarga qarab o'zining keyingi ijod namunasi haqida o'ylayotgan bo'lsa ajabmas.

Xulosa qilib aytganda, men san'at maktabi va kollejida tahsil oldim. U yerdan ko'p musiqachi do'stlar orttirdim. Men ular bilan musiqa haqida ko'p gaplashardim va biz ko'p konsertlarga kirardik. Men ularni qoralama qilib chizardim. Musiqa san'atga bo'lgan mehrim tufayli bo'lsa kerak, bu mavzuda qilgan kompozitsiyalarim chiroyli chiqdi, barchaga ma'qul bo'ldi. Ustozim dissertatsiya ishimni shu mavzuda qilishimni maslahat berdilar, bu esa menga ma'qul bo'ldi. O'zbekiston Davlat Konservatoriyasida bo'lib, ko'p eskizlar va qoralamalar ishlar qilganda. Ularni ko'p kuzatdim. Oldin bu mavzuda ishlagan rassomlarning ijod namunalarini ko'rdim va o'rgandim. Kompozitsion yechimga ega, mukammal asar yaratishga harakat qilaman. Men oldimga qo'ygan o'z maqsadim bor. Boshqalarnikidan farq qiladigan, real ammo ijodiy yondashilgan kartina ishlar qilchiman. Avangard yo'nalihi meni o'ziga rom etgan va shu yo'nalihsda ishlayman. U o'zining realikka yaqinligi ammo rassomning nigohi bilan uyg'unlashib ketganligi sababli ham boshqa oqimlardan ajralib turadi. Dissertatsiya ishim ham hayotiy, sahna, musiqachilar va ularning cholg'u asboblari, bo'ladi, lekin unga ijodiy yondashaman. O'zimning nigohimda, ranglarimda va o'zimning tasavvurimda yarataman. Ya'ni o'z kuyimni chalaman. Kompozitsiyada shakllar, ranglar ohangi yetakchilik qiladi. Shakllar kompozitsion uyg'unlikka xizmat qilsa, ranglar garmoniyasi musiqa ohangini anglatadi. Bilamizki, kuy ritmi, o'z garmoniyasi bor, qog'ozda esa buni ranglar orqali sezish mumkin. Men g'arb asboblaridan iborat bo'lgan kompozitsiya ishlayman, unda ranglar garmoniyasi muhim ahamiyatga ega. Nega aynan g'arb zarbli va puflama cholg'u asboblari sababi kollej davrida bizning xona aynan shu fakultet oldida edi. Har tarafdan talabalarning ijrosi eshitilar edi. bu yoqmasdi, ammo men shu fakultetning konsertiga kirganimda, ular boshqa asboblar bilan birga shunaqangi chiroyli kuylar ijob etishganki, meni hayratda qoldirgan. Xulosa qilib shuni aytishim mumkinki, musiqa o'zining ohangrabo jozibasi bilan meni rom qilgan va men bu mavzuga yana ko'p murojaat qilaman deb o'ylayman.

Foydalilanigan adabiyotlar ro'yhati:

1. Islom Karimov. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. "Ma'naviyat" Toshkent. 2008.
2. N. Abdullayev. O'zbekiston san'ati tarixi. O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyatni nashriyoti. Toshkent. 2007.
3. Istorya muzika. I. A. Nikeyeva. L.R. Fattaxova. "Akademija". Moskva. 2004.



TASVIRIY SAN'ATDA MONUMENTAL BEZAK TURLARI

Nabijonova Nazokatxon A'zamxon qizi
Kamoliddin Behzod nomidagi Milliy rassomlik va
dizayn instituti magistranti,
OOO "Ma'mur Project" firmasida arxitektor-dizayner,
Telefon: +99899 981-62-62
nabijonovanazokatxon@gmail.com

Annotatsiya: Ushbu maqolada tasviriy san'atda asosan monumental bezagi san'ati haqida so'z yuritilgan. Bundan tashqari monumental rangtasvir haqida, uning turlari haqida ham yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: Tasviriy san'atda monumentallik, monumental bezak san'ati, monumental rangtasvir.

O'zbek ustalarining monumental bezak va amaliy san'atga oid asarlarida xalq madaniyati, turmushi o'z aksini topgan. San'atning bu turi asrlar osha takomillashib keldi va bizning kunlarda ham tobora kamol topayotir. O'zbekiston monumental bezak san'atiga oid ajoyib asarlaming shon-shuhrati butun dunyoga yoyilgan. Biroq jahonga mashhur bu san'at namunalari, asosan Varaxsha, TuproqqaTa, Bolaliktepa, Afrosiyob saroylaridagi devoriy yozuv va naqshlar hamda 0 'zbekiston muzeylarida namoyish etilayotgan, so'nggi paytlarda topilgan XIX-XX asrga oid uyo'r-zg'or buyumlaridagi naqsh va gullari bilan cheklanib qolmoqda. Holbuki, ko'pgina turarjoy binolaridagi, o'rtacha mahalliy machitlaridagi, so'nggi asrlarda bunyod topgan inshootlardagi, zamonaviy me'morchilik uslublari uzviy ravishda uyg'unlashib ketgan imoratlardagi rango-rang bezaklar, asrlar mobaynida yuzaga kelgan nafosat durdonalari, yorqin va quvnoq ranglarda o'ta yuksak did bilan ado etilgan bezaklar deyarli panada qolgan. Har bir davr tasviriy san'atga o'zining munosib ulushini qo'shib keldi. Me'morchilikda monumental san'atining rivojlanishiga tabiiy - iqlimi sharoitlaming ta'siri kuchli bo'ldi. **Monumental bezak san'ati** - san'atning me'morlik bilan bog'liq turi, binolarning ichki qismi, shiftlari, qisman binoning tashqi tomoni devorlariga ishlangan tasvirlar. Monumental rangtasvir jamiyat hayotidan olingan muhim voqeа va hodisalar, chuqur falsafiy tushunchalarni aks ettiradi. Uzoqdan ko'rishga mo'ljallanganligi uchun obrazlarni umumlashma tarzda tasvirlashga, mayda qismlardan kamroq foydalanishga qarakat qilinadi. Ranglar ham birmuncha shartli olinishi mumkin.

Monumental rangtasvir qadimiy san'at turi bo'lib, ibtidoiy odamlarning g'or devorlariga ishlagan rasmlari (Zarautsoy rasmlari va boshqalar) uning ilk namunalaridir. Qad. va o'rta asrlarda nihryatda rivojlandi va yetakchi san'at turlaridan biriga aylandi. Qad. Misr va Yunonistonda keng rivojlandi, keyinroq Vizantiya va boshqalarda ham Monumental rangtasvirning nodir namunalari yaratildi. Ayniqsa Uyg'onish davrida o'zining qaqiqiy rivojlanish bosqichiga erishdi. Mikelanjeloning Vatikan saroyiga ishlagan devoriy rasmlari, Vero-nezening kompozitsiyalari shu davrning nodir yodgorliklaridir. O'rta Osiyoda, jumladan, O'zbekistonda bu san'at qadimgi va o'rta asrlar davrida rivojlandi. Bu davrda shohlar, zodagonlarning uylari, saroy va ibodatxonalar ko'p shaklli, harakatga boy rassomlik asarları bilan ziynatlandi (Tuproqqa'l'a, Varaxsha, Bolaliktepa, Afrosiyob va boshqalar), Temur va temuriylar davrida ham Monumental rangtasvirning ajoyib namunalari yaratilgan. Monumental bezak san'atining bir necha o'ziga xos turlari mavjud bo'lib, bular:

Monumental rangtasvir - atamasi monumental (maxobatli), ya'ni katta o'lchovdagi rangtasvir ma'nosini anglatadi va bu turdagи asarlar ko'pincha binolarning ichki va tashqi devorlariga tempera bo'yoqlari bilan ishlanadi.

Monumental rangtasvir ustasi Ozad Xabibulin Garifovich 1949 yil 26 iyul kuni G'ijduvonda tavallud topgan. 1973yilda Toshkent teatr va rassomlik san'ati institutini tugatgan. 1974 yildan Toshkent haykaltaroshlik va monumental san'at uyushmasida rassom. Xabibulin ijodida majoziy qiyofalar shakl va milliy naqqoshlik san'atining uyg'unligida o'ziga xos yangicha talqingga ega bo'ldi.



Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil
2. Taktash R.X., Izobrazitelnoye iskusstvo Uzbekistana, T., 1972; Iskusstvo Sovetskogo Uzbekistana, M., 1976.
3. Tolipov N., Abdurasilov S. , Oripova N. Rangtasvir (1-qism). Toshkent., 2002. TDPU
4. www. ziyonet. Uz

Bosh muxarrir: yur.f.d. dots. Sh. Fayziyev

Manzil: Toshkent sh, Amir Temur, Matbuot tarqatuvchi 2-uy.



ТҮЛИҚ МЕТРАЖЛИ МУЛЬТИПЛИКАЦИОН ФИЛЬМ ЯРАТИШ ТАЖРИБАЛАРИ

Раймова Моҳина

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллӣ

рассомлик ва дизайн институти

магистратура босқичи

"Мультфильм ва компьютер мультипликацияси"

мутахассислиги талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги кундаги ўзбек анимацияси ривожидаги янгиликлар, ҳамда тўлиқ метражли мультипликацион фильм яратиш тажрибаларининг таҳлили баён этилади.

Annotation: This article describes the current developments in Uzbek animation, as well as an analysis of the experience of creating full-length animated films.

Калит сўзлар: ўзбек анимацияси, тўлиқ метражли мультипликация, замонавий жараён, "Куёш юрти пахлавони" анимацион фильми.

Keywords: Uzbek animation, full-length animation, modern process, animated film "The Brave of the land of the Sun".

Санъат бу инсонларни яхшиликка этакловчи йўл бўлиб, унинг турлари ва йўналишлари турли хил. Уларнинг орасида энг ажойиб ва хар қандай томошабин аудиториясига қизик бўлган шундай санъат тури борки – бу мультипликациядир. Хозирда бу санъат дунё миқёсида анимация деб номланади. Замонавий санъат турларининг бири бўлмиш мультипликация лотинча "multiplication" сўзидан олинган бўлиб, кўпайтириш маъносини билдиради, аниматсия сўзи бўлса франсузча "animation" - жонлантириш маъносини билдиради. Анимация ёки мультипликация синкетик, лотинча "syncretismus" сўзидан олинган бўлиб, бир неча санъат турларининг (адабиёт, тасвирий санъат ва мусиқа) қоришмаси деган маънони билдириб, мураккаб санъат туридир. Анимация санъатининг келиб чиқиши тарихи XIX аср охиридан бошланиб, ватани Франция деб тан олинган. Мазкур санъатнинг отаси эса Эмил Рейно хисобланади.

Бугунги кунга келиб замонавий ўзбек анимацияли фильмлар ҳам маънавий бойлигимизга айланиб улгурди. Ўзбек анимацияли фильмлар ва мультфильм асарлари маълум маънода ҳалқ бадиий даҳосининг изчил тарихий тадрижий ривожини ўзида мужассам этган маънавий қадрият намунаси хисобланади. Халқимизнинг турмуш тарзи, бетакрор миллӣ анъаналари, урф-одатлари, табиат ва жамиятга бўлган муносабати миллӣ мультфильмларда ўз аксини топган.

Анимацияли фильмларда акс эттирилаётган турли мавзуларга бугунги кунда долзарб масала сифатида қаралмоқда. Турли жанрларда жаҳон экранларида намойиш этилаётган фильмлар болалар онгига таъсир этмай кўймайди. Хозирги замон болалари эртакларга деярли мурожаат этмай кўйганлиги ва ўзбек миллӣ қадриятламизни тамоман чет эл менталитети билан алмаштириб кўяётганлиги ачинарли ҳол албатта. Аммо, баязи ўзбек мультфильмлар борки нафакат болажонлар, балки катталар ҳам экран каршисидан кета олишмайди. Үндаги ўзликни англаш, урф-одатлар, қизлардаги нозиклик яратилган образларда тўлалигича очиб берилган. Мультфильмда воеалар ривожи болажонларга янада ёркинрок ва аник бир воқеликни ифодалаб беришга катта хизмат қиласди. Замонавий ўзбек мультфильмлари бугунги кунда янада кенг қамровли сюжетларни ўз ичига олганлиги боис жаҳон мамлакатлари қаторида ўз ўрнига эга бўлмокда десак муболаға бўлмайди. Бунга мисол килиб, аниматорларимиз томонидан янги инновацион технологиялар асосида яратилаётган анимацион фильмларни келтириш мумкин.

Ўзбекистонга эса мультипликация санъати XX асрнинг иккинчи ярмидан кириб келган. Режиссер Дамир Салимов ва кино рассоми Юрий Петров ушбу санъатни Ўзбекистонга илк маротаба олиб кирган ижодкорлардир. Улар ўзбек мультипликация санъатининг отаси хисобланади. Мавзур Махмудов ҳам Дамир Салимов ҳамда Юрий Петровларнинг издоши ва давомчиси сифатида 1976-йилдан "Ўзбекфильм" студияси қошидаги мультиустахонада оддин рассом, кейин режиссер сифатида иш бошлаган ва хозирги кунга қадар ўзбек мультипликацияси ривожига улкан хисса қўшган. Мавзур Махмудов бунунги кунга қадар



жуда кўплаб аниматорларга устозлик қилган ва жуда кўплаб шогирдлар етказиб чиқарган.

Хозирги кунда замонавий мультипликацияни тўлиқ метражли мультифильмларсиз тасавур қилиб бўлмайди. Тўлиқ метражли мультифильмларнинг нафақат болалар, балки катталарнинг хам хаётида маънавий, хам маърифий, хам тарбиявий роли ва таъсири жуда баланд. Дунёда илк бор 1937- йилда "Дисней" студиоси томонидан "Оппоғой ва йетти гном" тўлиқ метражли, овозли мультипликацион фильмни кенг оммага тақдим этилган. Фильм яратилгандан кейин ҳеч ким бунга ишонмаган, ҳатто фильм ижодкорлари хам бир ярим соатли мультифильмни томошибинлар қабул қилишига ишонишмаган. Мультифильм тақдимотидан сўнг у кўплаб шов шувларга эга бўлган ва хаттоки кўплаб ютуқларга эришган. Айнан "Дисней" компониясининг хакиқий муваффакиятининг тарихи шу мультифильмдан кейин бошланган. Тўлиқ метражли мультипликацион фильм яралиш тарихи шу олам шумул янгиликдан бошланган. "Дисней" студиоси ушбу тўлиқ метражли мультипликацион фильм учун кўплаб йўналишлар бўйича "Оскар" мукофотини қўлга киритган.

Мультипликация яратиш тажрибаларига алоҳида тўхталар эканман, қуйида баъзи мультипликация соҳасига катта хисса қўшган анимторларни фикрларини келтириб ўтмоқчиман: "Кичик орол"ни яратиб бошлаганимда, тасодифан "Бемби"ни кўриш менга насиб қилди, аммо бу менда унчалик таассурот қолдирмади. Мен ўзимни ривожланган аниматор деб ҳисоблардим ва классик мультифильмда ўзим учун қизиқарли нарсаларни кўрмасдим. Аммо расмимни тутатиб, "Бемби"ни яна томоша қилганимда, том маънода кинотеатрдан тўрт оёқлаб чиқиб кетдим. "Худо, улар буни қандай амалга оширилар?" Мен ўзимга савол беришни тўхтатмаган ягона савол шу эди. Ўша пайтда мен ҳеч нарса қилишни билмаслигимни ва билмаслигимни билар эдим ва тушунар эдим " - Ричард Уилямс.

Ўзбек анимацион фильмлари тарихида тўлиқметражли мультифильм бўлган илк картина «Қуёш юрти паҳлавони» номли мультифильм ҳисобланиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур мультифильм 2015-2017- йиллар давомида уч йил мобайнида таъсиринга олинган. Мультифильмни яратиш учун Мавзур Махмудов, Нозим Тўлахўжаев ва Дмитрий Власов каби режиссёrlар жамоаси жалб этилган. Ушбу картина хам ўзбек ҳалқ эртаклари мотивларига асосланган бўлиб, унда акалари ортидан гўзал маликани ялмоғиз чангалидан озод этиш учун йўлга чиққан Нўхатполвон турли синовларга дуч келади. Икки бошли баҳайбат аждарҳо ва ҳар қандай ёвузликка қодир ялмоғиз қаҳрамонимиз йўлига ғов бўлишга уринади. Аммо, Нўхатполвон бундан бутунлай бехабар ва кучли рақибларига пешвоз чиқишга тайёр бўлади. Фильмда «Қуёш юрти паҳлавони»нинг ажойиб ва гаройиб саргузаштлари орқали ҳалоллик, меҳнатсеварлик, муҳтожларга ёрдам бериш сингари тарбиявий аҳамиятга эга эзгу ғоялар акс эттирилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. "Набор для выживания аниматора" Ричард Уильямс
2. "Иллюзия жизни" Фрэнк Томас и Олли Джонстон
3. "Мультипликация" Престон Блэр



ЎҚУВЧИЛАРГА ТАСВИРИЙ САНЬАТ ТҮГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ИЖОД ҚИЛГАН РАССОМЛАР БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Юсупова Шохиста Алимжановна

Гулистан давлат университети, Тасвирий санъат ўқитувчиси

Телефон: +998(99)9030286

E-mail: yusupovashoxista32@gmail.com

Ёдгорова Анора Абдували қизи

"Санъатшунослик" факультети, Тасвирий санъат

ва мұхандислик графикаси кафедрасы

72-20 гурұх талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада тасвирий санъат түгарапларининг қай таризда ўтилиши, гурухларда мавзуларининг тақсимоти. Түгарап машғулотларда мустақиллик рассомлари таништириш сабаблари күрсатилиб сабаблари күрсатилған.

Калит сўзлар: ўқитувчи, ўқувчи, умумтаълим, мустақиллик, асар, рассом, авлод, гурух, санъат, маҳорат, тарих, келажак, түгарап ва раҳбар.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ буюк аждодларимиз томонидан кўп асиirlар давомида яратиб келаётган ниҳоят улган, бебаҳо маънавий ва маданий меросни келажагимиз ёшлари билмоғи давлат сиёсати даражасига қўтарилилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб хисобланади. Шу боис қадрли меросимиз нафақат анъанавий дарслар мавзусида балкил дарсдан ташқари түгарап машғулотларида ҳам шу хақида тўлиқ маълумотларни бермоғимиз лозим. Келажак авлод бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида давлат раҳбаримиз Шавкат Мирмонович Мирзиёев ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига бағищланган 5 та ташаббуси илгари сурилди. Шу муносабати билан умумтаълим мактабларида тасвирий санъат түгарап машғулотлари янада мукаммал ва қизиқарли тарзда машғулотларни олиб боришига бел боғланди. Тасвирий санъат фани бўйича түгарап машғулотлари хафтасида икки маротаба бўлиб, уч гурух асосида кичик, ўрта ва катта гурухларга бўлинниб ўтказилади. Кичик гурухларда расм чизиш билан бирга лой ва пластилиндан турли идишлар, сабзавот-мевалар, қуш-хайвонлар ва эртак қаҳрамонлари шакли ясалади. Ўрта гурухларда эса нарсаларнинг ўзига қараб расм чизиш ва мавзу асосида расм чизидан иборат.

Катта гурух билан ўтказиладиган машғулотлarda мавзу асосида, безакли ва нарсанинг ўзига қараб расм чизиш машқлари тақоррланади. Ушбу катта гурух ўкувчилари мойбўёк темпера ва бошқа бўёклардан фойдаланиб, мураккаб харакатдаги натурада турган одам ва хайвонларнинг расмини ишлашади. Тасвирий санъат тўгарагида ўкувчилар нарсаларнинг ўзига қараб қаламда, бўёқда мавзу асосида расмлар чизадилар, безакли ва график ишлар билан шуғулланадилар, тасвирий санъат асарлари тарихи билан танишадилар. Тўгарап машғулотлари қизиқарли ва сермазмун ўтиши тўгарап раҳбарининг моҳоратига боғлиқ. Ўқитувчи нафақат тасвирий саъат тарихи шу билан бир қаторда мустақиллик даврида ижод қилған рассомлар хақида маълумотлар берилбўтса, ўкувчиларнинг тасвирий санъат хақидаги билимлари янада бийитилиб борилади. Дунёқараашлари кенгайиб, ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғулар уйғотади. Миллий қадриятларни хурмат қилишни ва авайлаб асрашни ўрганади. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг миллий тасвирий санъатни тараққиётiga замин яратилди. Тасвирий санъатнинг рангтасвир, хайкалтарошлик, графика, жанрлари рассом ва хайкалтарошларнинг эркин ижодий фаолиятлари йўлга қўйила бошлади. Юртимизда тасвирий санъатнинг тараққиётiga Ўзбекистон бадиий Академиясини ташкил этилиши ҳам муҳим ўрин тутди. Ушбу Академия қошида Комолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти, санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, кўплаб рассомчилик, дизайн коллежлари, "Санъат" журнали фаолият кўрсатиб келинмоқда. Ушбу давр рассом ва хайкалтарошларининг ютуклари шундаки, улар биринчидан эркин ижод йўлига ўтганликлари бўлса, иккинчидан миллий бадиий анъаналарни давомийлиги,



миллийлик ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлиги, асарларда янги, замонавий, илғор тасвирий технологияларни қўллаш каби муваффакиятларни қўлга киритдилар. Мустақиллик неъматидан баҳраманд бўлган кекса ва ўрта авлод рассомларимиз ижодида ҳам ижодий кўтарилилк қўзга ташланади. Уни М.Сайдов, Н.Қўзибоев, М.Бобоев, В.Бурмакин, М.Йўлдошев, Ж.Қуттимуродов, Т.Миржалолов, Т.Курёзов, А.Икромжонов, Ж.Умарбеков, Б.Жалолов, А.Мирзаев, З.Фахриддинов, Р.Худайберганов, А.Мўминов, А.Нуриддинов каби рассом ва хайкалтарошлар ижодида кўриш мумкин.[1.59]

Тўғарак машғулотларида шу каби маълумотларни рассомлар ижодлари билан фойдаланилган холатда етказилса ўқитувчининг мақсади аниқ натижасини кўрсатган бўлар эди.

Адабиётлар рўйхати

1. Рахим Хасанов. Тасвирий санъат асослари. Т.:2008 й.
2. С.Ф. Абдурасулов. Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси. Т.: “Илм-зиё” 2011 й.
3. Ў.Ж.Йўлдошев. УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА. (Ўқув қўлланма) Т.: 2017 й.



ЎЗБЕКИСТОН ҲАЛҚ РАССОМИ АБДУЛХАҚ АБДУЛЛАЕВ ИЖОДИДА ПОРТРЕТ ЖАНРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Юсупова Шарофат Юнусовна

К.Беҳзод номидаги Миллий
рассомлик ва дизайн институти,
Санъат назарияси ва тарихи йўналиши
1 босқич магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада XX аср Ўзбекистон тасвирий санъатининг ривожланиши, портрет жанрининг тутган ўрни, портрет жанрида ижод қилган Ўзбекистон ҳалқ рассоми Абдулхақ Абдуллаев хаёти ва ижоди, яратган асарларининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган.

XX аср Ўзбекистон маданиятига улкан кашфиётлар ва ютуқлар даври бўлди. Тасвирий санъат мактаби шакллана бошлади ва ривожланди. Рассомлар турли рамзий образ ва шартли белгилардан, ранг, шакл, чизик, фактура имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланишга интилдилар. Бу изланиш ва тажрибалар 50-йилларнинг охири, 60-йилларда санъат оламига кириб келган, профессионал таълимни Москва, Петербург, Тошкент олий даргоҳларида олган ижодкорлар томонидан амалга оширилди. Ўз фаолиятини анча илгари бошлаган санъат аҳли ижодида ҳам ғоявий-пластик ўзгаришлар сезила бошланди. Бу давр изланишлари миллий ва жаҳон маданий меросини қайта баҳолаб, ундан даврга мос йўналишларини кўллаш имкониятларини очди.

XX аср санъатида содир бўлган жараёнлар ҳам рассомлар назаридан четда қолмади. Эндилиқда вокеликни кўтаринки руҳда насиҳатнамо тасвирлашдан ўзларининг ҳиссий кечинма, туйғуларини таҳлил этишга, уларни ранг, чизик, шакл тусланишларида ифодалашга ўта бошладилар. Миллий услугуб ривожланиб борди.

XX аср Ўзбекистон санъатида кучли рангтасвири мактаби шаклланди. Бу даврда бир қатор рассомлар ўзларини намоён қилишди. Рангтасвирида бадиий жараён шиддатли ва серҳаракат кечди. Таниқли санъат усталари Малик Набиев, Чингиз Ахмаров, Раҳим Аҳмедов, Абдулхақ Абдуллаев, Неммат Қўзибоев, Рўзи Чориев, Сайдулла Абдуллаев, Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов каби бир қатор рассомлар сермаҳсул ижод қилишди.

Шундай рассомлардан бири А.Абдуллаев хаёти ва ижодий фаолияти битмас туганмас изланишлари хаётнинг мураккаб қирраларининг англаб этишдан инсоннинг зиддиятларига бой дунёсини ўрганиш бўлди. Ўзбекистон ҳалқ рассоми А.Абдуллаев 1918 йилда Туркистонда таваллуд топган. 1931-36 йилларда Самарқанд бадиий билим юртини, 1938-1941 йилларда Москва бадиий институтида тахсил олади. 1968 йилда Ўзбекистон ҳалқ рассоми увонини олган. 1997 йилдан Ўзбекистон Бадиий Академиясининг фахрий аъзоси.

А.Абдуллаевнинг санъатга кириб келган 30 йиллар жаҳон ва Ўзбекистон тасвирий санъатида ўзига хос турланиш ва нурланиш даври эди. Декоратив мавзуларнинг тазиқи бироз сусайган, шакл борасидаги изланишларни таҳқиқлаш нисбатан камайган, ҳар бир ижодкорнинг индивидуал майли ва эстетик идеалига эътибор кучайган давр эди. Шакл борасидаги тажрибалар, изланишлар ижодий жараённинг табиий бир ҳолати сифатида идрок этила бошланди .

30 – 40 йилларда ижтимоий ҳаёт ва инсон психологиясида содир бўлаётган ўзига хос ўзгаришлар рассом эътиборидан четда қолмади. У ўз портрет ва картиналарида ўтмиш анъаналари ва маданиятимиз тарихи билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилди .

Портретларнинг композиция жиҳатидан мураккаблигида, жанр имкониятларини кенгайтирган ҳолда портрет – картиналар яратища Абдулхақ Абдуллаев талантига мос монументал кўтаринкилик фазилати кўзга ташланади. Жумладан “Қора мағиз аёл”, “Олма билан қиз” портретлари ҳам рассомнинг инсон образини яратища индивидуал қиёфа, такрорланмас ҳарактерларнинг эркин намоён бўлиш жиҳатларига жиддий аҳамият қаратганидан дарак беради.

Абдулхақ Абдуллаев аста – секин образлар тили билан ўзи яшаётган давр, ижтимоий муҳитдаги драматик ҳолатларни, инсон билан табиат, жамият ўртасидаги муносабатлар ўта



мураккаб ва зиддиятли эканлигини кўрсатишга муваффақ бўла бошлади. У кишиларнинг юриш – туриши, кийим – кечак, мулоқот ва муоммалаларида ўзгача бир поетик жозиба кўрди ва буни пластик ранг йўғунлигига ифода этишга ҳаракат қилди. Рассом полотноларида ранглар оҳангি, товуши эштила бошланди.

Бу асарларга хос асосий хусусият – уларнинг фожиавий руҳи ва мазмuni. Бу фожиа якка шахс хаётидан бошланиб, ўлка, халқ фожиаларига бориб тақалади. Шунга биноан картиналар колоритида майнинлик, сокин, осойишталик оҳанглари устунлик қиласади.

А.Абдуллаев кўплаб инсонларнинг портретларини яратди. Булар орасида болалардан тортиб, оддий дехқонлар, улкан санъат, адабиёт намоёндалари, давлат арбоблари, хизмат кўрсатган шахслар бор. У доирачи Уста Олим, санъаткорлар Аброр Ҳидоятов, Тамара хоним, Сора Эшонтўраева, Мукаррама Турғунбоева, ёзувчилар Ойбек, Шайхзода, Сайд Аҳмад, Абдулла Қаҳҳор, рассом Чингиз Аҳмаров, академиклар Иброҳим Мўминов, Хабиб ААбдуллаев ва бошқаларнинг портретларини яратган.

Доирачи Уста Олим портрети у яратган машҳур шахслар портретларининг биринчиси эди. Ўзбек артистларининг Лондонга гастроллари пайтида ўз ижроси билан инглизларни лол қолдирган.

XX асрнинг 80-90-йиллари Рассом Абдулҳак Абдуллаев яратган Алишер Навоий портрети эстетик ҳамда буюк шоирнинг маънавий оламини очиб бериши билан ҳам қимматлидир. Бу портрет ҳозирги кунда ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейининг мулки ҳисобланади. Рассом портретни кўп вариантларда ишлади, уларнинг барчаси бир хилдаги ахамиятга эга бўлмади, лекин амалга оширилган катта ижодий иш ўз мевасини берди, натижада портрет Ўзбекистон тасвирий санъатида воеа бўлиб қолди. Узунрок тўртбурчак матода хассага қўйилб олган шоир портрети яратилди. У шоҳона сарой чопонида тасвирланган. Жиддий қиёфада ишланган шоир юзи асардаги умумий ранг-тус уйғунлигини ифодалаган.

Асарлари халқаро кўргазмаларда намойиш қилинган. 1968 йилда “Ўзбекистон халқ рассоми” унвони ҳамда 1998 йилда “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланган. 1997 йилдан Ўзбекистон Бадиий Академиясининг фаҳрий аъзоси, 2001 йил 21 октябрда Тошкент шаҳрида вафот этган. А.Абдуллаевнинг энг нодир асарлари Ўзбекистон Давлат санъат музейи ва бошқа музей коллекцияларида тўпланган.

Портрет тасвирий санъатнинг кенг тарқалган, севимли, реализмнинг оммавий жанридир. Даврнинг хусусиятлари энг аввало кишиларда, шу даврни яратгаётган қаҳрамонлар образида ўз ифодасини топади. Жаҳон тасвирий санъатининг бу борадаги бетакрор анъаналари, портрет жилоси ва жозибаси ҳеч қачон сўнмаган. Рафаел, Микеланжело, Веласкес, Рембранд, Энгр, Левитский, Кипренский, Брюллов, Тропинин, Репин, А.Шилов, ҳамда А.Абдуллаев, Р.Аҳмедов, Ч.Аҳмаров, Р.Чориев, Ж.Умарбеков, М.Набиев, С.Раҳмонов, Т.Саъдуллаев, А.Нуриддинов яратган портретлар реализмнинг ҳеч қачон ўлмайдиган анъаналарини давом эттиради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Б.Алимов ва бошқалар. Ўзбекистон миллий портрет санъати. Ф.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент 2011.
2. А. Абдуллаев “Жажда прекрасного”. ККЖИ “Правда Востока”, 1994.
3. У.Маматов. Ўзбекистон маданиятида тарихий жанрдаги тасвирий санъат асарлари (XX аср иккинчи ярми-XXI аср бошлари). Тошкент “Мумтоз сўз”, 2018.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 25-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(14-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фарруҳ Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 28.02.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000